

Эътироф

ЧЕМПИОНЛИК ИШОНЧИ БИЛАН

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда бўлгани каби спортга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида спортчиларимиз нуфузли мусобақаларда юқори натижалар қайд этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда.

Шу кунларда дунё миқёсида кетма-кет нуфузли спорт тадбирлари ўтказилди. Уларда ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашиб, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимиз номини дунёга танитиб, медаллар шодаси билан қайтмоқда.



Баҳодир ТОЖИЕВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармаси бошлиғи

Яқиндагина ёш шахматчиларимиз Хиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган шахмат олимпиадасида ғолиб бўлиб, ақл машқиди ҳам ким эканликларини жаҳонга намойиш этиб келган эди. Орадан кўп ўтмай Туркиянинг Конья шаҳрида ўтган V Ислом бирдамлиги ўйинларида спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди.

Юқори натижаларга эришишда оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий жамоаси аъзоларининг олтин медаллари муҳим ўрин тутиб, касаба уюшмалари спортчилари Акбар Жўраев ва Турсуной Жабборова рекорд натижа қайд этишди. Ҳар иккаласи 3 тадан олтин медалларни ўзиники қилишди. Акбарни юртдошларимиз яхши танийди, у Токио-2020 Олимпия ўйинларида ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, чемпион бўлган эди.

Касаба уюшмалари давлатимиз эътиборидан руҳланган ҳолда тизим спортчиларига алоҳида эътибор қаратяпти. Натижани эса кўриб турибмиз. Ислом бирдамлиги ўйинларида юртдошларимиз қўлга киритган олтин медалларнинг 8 таси, бронза медалларнинг 4 таси касаба уюшмасига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар мактабининг спортчиларига тегишли бўлди.

Юқори натижалар янги имкониятлар очаверади. Яъни касаба уюшмалари томонидан Акбар Жўраев туғилиб ўсган Бўстонлик тумани Сойлик қишлоғида жаҳон талабларига жавоб берадиган Акбар Жўраев оғир атлетика спорт мактаби қуриладиган бўлди. Насиб этса, бу мактабдан неча-неча олимпиада чемпионлари етишиб чиқади.

Аваллари ота-оналар фарзандларини касаба уюшмасига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар мактабига олиб келиши учун тарғибот ишларини амалга оширардик. Энди эса вазият буткул ўзгарди. Болам чемпион бўлади, дея яхши ният билан ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини етаклаб келишмоқда.

Ёшларимиз юрагидаги шижоат, кўзидаги оловни кузатиб, бундан кейин ҳам халқаро мусобақаларда байроғимиз мудом баланд ҳилпирайвериши, мадҳиямиз янграйверишига ишонаман.

БАЛАБАЛАДАРДА БИЗНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАМИЗ БОР

Президент Шавкат Мирзиёев Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган V Ислом бирдамлиги ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига табрик йўллади.



Сайдажбар Абдураимов олган суратлар

V Ислом бирдамлик ўйинларидаги

158 та медалнинг 12 таси

Ўзбекистон касаба уюшмалари спортчиларига тегишли

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
20 август
шанба
№ 101 (4697)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgaz>



Шу йилнинг 9-18 август кунлари Туркиянинг Конья шаҳрида V Ислом бирдамлик ўйинлари бўлиб ўтди. Унда 56 та давлатдан иштирокчилар бир қатор спорт турларида ғолиблик учун баҳсларга киришди.

Мазкур нуфузли мусобақада 265 нафар спортчимиз муваффақиятли қатнашиб, 51 та олтин, 42 та кумуш, 65 та бронза, жами 158 та медалга сазовор бўлишди. Энг муҳими, Ўзбекистон спортчилари мезбон жамоа – Туркиядан сўнг фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди.

V Ислом бирдамлиги ўйинларида ғолиб ва совриндорлар, уларнинг тренерлари Президентимизнинг тегишли қарори билан бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, спортчилар олтин медал учун – 5 000 АҚШ доллари, кумуш медал учун – 3 000 АҚШ доллари, бронза медал учун – 2 000 АҚШ доллари, мураббийлар эса олтин медал учун – 2 500 АҚШ доллари, кумуш медал учун – 1 500 АҚШ доллари, бронза медал учун – 1 000 АҚШ доллари миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Кувончли томони, қўлга киритилган медаллардан 12 таси касаба уюшма спортчиларига тегишли. Оғир атлетикада Олимпия чемпиони ва рекордчиси Акбар Жўраев ҳамда Турсуной Жабборова 3 тадан олтин, Муҳаммадқодир Тоштемиров 1 та олтин, Шарофиддин Амриддинов 1 та бронза, Регина Адашбоева 1 та бронза, Нигора Сувонова 1 та бронза, енгил атлетикада Сухроб Хўжаев 1 та олтин, Наргиза Қўчқорова 1 та бронза медалларига эга чиқишди.

Шу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш билан бирга,

юртдошларимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, соғлом бўлишлари учун тизимли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, касаба уюшмасига қарашли Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар мактабида ўғил-қизларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб улғайиши билан бирга, Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатида юқори натижаларни қўлга киритиб, ғолиб бўлиши, давлатимиз байроғини баланд кўтариши учун барча шароитлар яратилган. Бунинг тасдиғини ушбу нуфузли мусобақа – Ислом бирдамлик ўйинлари натижалари ҳам кўрсатиб турибди.

Кеча Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимиз тантанали кутиб олинди. Хуш кўрдик, Янги Ўзбекистон спортчилари! Зафарлар ҳамиша ёр бўлсин!

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

БУ «ОЛТИН»ЛАР ОРТИДА...

Турсуной ЖАББОРОВА,
V Ислом бирдамлиги ўйинларида оғир атлетика бўйича 3 та олтин медал соҳибаси:

– Мамлакатимизда спортга катта эътибор қаратилаяпти. Бундан руҳланган ҳолда биз, спортчилар нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этиб келаяпмиз. Ушбу халқаро мусобақага ҳам катта тайёргарлик кўрдик. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Келгусида ҳам машғулотларга зўр бериб, Олимпиадаларда олтин медал олишга ва мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга сўз бераман.



Ҳофиза НОРМАТОВА,
V Ислом бирдамлиги ўйинларида 3 та олтин медални қўлга киритган Акбар Жўраевнинг онаси:

ЎҒЛИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

– Ўғлим Юртбошимиз, касаба уюшмалари, оиласи, устозлари, халқимиз ишончини оқлаб, бир эмас, учта олтин медални қўлга киритган ҳолда юртимизга ёруғ юз билан қайтди. Айни пайтда хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Келгуси жаҳон чемпионатлари, олимпиадаларда ҳам, албатта, чемпион бўлади. Мен бунга ишонаман.

Ishonch
Келгуси сонларда ўқинг...

ЧОРРАҲАДА ҚОЛГАН АВЛЮД

БОЛАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН ЗАРАРЛИ(МИ?)

ИНФРАТУЗИЛМАСИЗ НАМУНАЛИ УЙЛАР

Фаргона
вилояти

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

Қашқадарё
вилоятиТАШВИШЛАРНИ
АРИТГАНЛАРГА
ТАШАККУР

Фарида Мисирова Қувасой шаҳрида яшайди. Ишсиз эди. Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари асносида «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган. Табиатан меҳнаткаш, камсўқум бу аёл ишчи гуруҳ билан суҳбатда бажонидил ишлашини айтганди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ишчи гуруҳнинг сазй-ҳаракати билан унга «Кварц» АЖда фаолиятини бошлаш мумкинлиги маълум қилинди.

– Шу пайтгача ошхоналарда идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишлаб юргандим, – дейди Фарида Мисирова. – Ҳар кимга нолимасам-да, қўлим совуқ сувдан чиқмагани учунми, хасталанадиган бўлиб қолдим. Бунинг устига турмуш ўртоғим ҳам тайинли бирор жойда ишламайдди. Кунлик топиб келгани рўзгоримизга аранг етади. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ деганларидек, хонадонимизга келган ишчи гуруҳнинг ёрдами билан орзуим ушалди. Ҳозирда «Кварц» АЖда ошпазман. Маошим ҳам яхши. Асосийси, ишга жойлашганимдан кейин оиламизга барака кирди. Мендек аёлларнинг тақдирига бефарқ бўлмай, ташвишларимни аритган яхши инсонларга миннатдорлик билдираман.

Тўлқиной Болтабоева ҳам Фарида Мисирова сингарии ишсиз юрган аёллардан бири эди.

Икки боласини боқиш, хаста эрига қараш зиммасига тушган Тўлқиной Болтабоева ҳам ўрганишлардан сўнг «Аёллар дафтари»га киритилди.

– Ишчи гуруҳга раҳмат. Оилавий шароитимни ўрганиб, мени «Кварц» АЖга ишга жойлаштиришди, – дейди Тўлқиной Болтабоева. – Бу ерда шароитлар яхши. Маошим ҳам чакки эмас. Айна пайтда рўзгоримиз бут бўлди. Муҳими, доимий ишим борлигидан хурсандман.

Айтиш жоизки, «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида Қувасой шаҳрида 1 минг 948 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларга пешма-пеш кўмак кўрсатиб келинмоқда.

Марҳабохон НАБИЕВА,

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

Самарқанд
вилояти

Маҳалла аҳлининг ташвишларини қуруқ мажлислар билан енгиллатиб бўлмайди. Камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, гўшани обод қилиш учун фаоллар билан юзма-юз мулоқот қилиб, масалаларга ечим топиш мумкин.

Учрашув

30 ГА ЯҚИН
МАСАЛАГА ЕЧИМ

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сухроб Рафиқов Самарқанд шаҳрининг 6-Меҳробод сайлов округи фаоллари ва маҳаллалар аҳли билан бир қатор учрашувлар ўтказди.

Абдулла Авлоний номидаги ҳамда «Фароғат» маҳаллалари аҳли, хоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари иштирок этган учрашувларда маҳалла ривожига ҳудудда яшовчи ҳар бир киши масъуллиги таъкидланди. Очиқ мулоқот натижасида ўттизга яқин турли маънавий масалаларга ечим топилди.

Учрашувларда иштирок этган Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедиев маҳаллаларда яшовчи соҳа вакиллари билан ижтимоий турмуш тарзи билан танишди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»Наманган
вилояти

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, тизимдаги ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимларнинг 280 нафар фарзандига мактаб сумкалари ҳамда ўқув қурол-

лари тарқатилди. Шу билан бирга, икки нафар ходим пенсияга кузатилиши муносабати билан рағбатлантирилди. «Ўзбекконцерт»нинг Наманган вилояти бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган концертга тизимдаги юз нафар ходимга чипталар бепул тарқатилди.

Бошланғич касабаси уюшма ташкилотларида спорт мусобақаларини юқори савияда ташкиллаштириш, касабаси уюшма аъзоларининг оммавий спорт билан шуғуланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 1400 дона спорт футболкалари

тарқатилди. Байрам муносабати билан жойларда ишловчи ходимлар ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. «Маърифат соатлари»да эса тизимда амалга оширилган кенг қамровли ишловчи ходимларнинг мазмун-моҳияти, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби мавзуларда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Акмал УМАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Тошкент
шаҳри

«Олим – ўқитувчи – методист»

Миробод туманидаги 110-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Олим – ўқитувчи – методист» мавзусидаги миллий форумнинг шаҳар босқичи ўтказилди.

Унда Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдухалил Раҳмонов, бош бошқарма ва туман халқ таълими бўлимларининг масъул ходимлари, умумтаълим мактаблари директорлари ҳамда фан-

лар кесимида ўқитувчилар иштирок этди.

Жорий ўқув йилида яхши натижаларга ва алоҳида ютуқларга эришган 50 нафар тармоқ ходими Тошкент шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Косон тумани «Месит» маҳалласида яшовчи Гулистон Жабборованинг тўрт нафар фарзанди бор. Эр ва хотиннинг ишсизлигидан кунлар ҳам жуда имиллаб ўтаётгандек туюлар, рўзгорнинг «ғор»лиги тобора ўз исботини топарди.



Эзгуликка йўғрилган ишлар

рўзгорга барака ва файз кирган. Аёлнинг яқинлари, маҳалладошлари уникига келиб, бўлаётган ишларни кузатиб боришди. Оила яхшигина фойда билан чиққани учун кўни-кўшилар-у оловлар ҳам парранда боқишга қизиқиб қолишган.

Худди шу маҳаллада яшовчи Сайёра Султонованинг тўрт нафар боласи бор. Шохида опа Сайёрага паррандабоқарларга жўжа очириб беришни маслаҳат берди. Ажратилган субсидия эвазига инкубатор ускунаси олишда кўмаклашди. Аёлга ускунанинг ишлаши, қандай тухум олиниши, умуман, барча жиҳатлари мутахассислар томонидан ўргатилди. Хадемай, жўжа очириб бошланади. Ҳозирданоқ харидорлар ҳам аниқ.

Шаҳноза Истатова – беш фарзанднинг онаси. Савдода иши унчалик юришмади. Шу боис унинг тинчи йўқолган, тажжан бўлиб қолганди.

Шохида опа уни яхши билади. Меҳнатдан қочмайди. Гаплашиб, маҳалладаги мономарказда ўқишга кўндирди. Кейин Самарқандга бир ойга малака оширишга жўнатди. «Пулим йўқ, боролмайман» деганди, кўлига тўрт-беш сўм пул берди. Шаҳноза «Аёллар дафтари»нинг шарофати билан тикув машинаси ҳам бўлди...

Айна пайтда Шаҳнозанинг кайфияти бутунлай ўзгарган. Ўзи «Бунёдкортекстиль» фабрикасида ишлапти, янги келаётган хотин-қизларга иш ўргатиб, устозлик қилади. Янги ишидан мамнун.

Икки фарзанднинг онаси Зебо Аҳмедова илгари касб-хунар коллежида ишларди. Коллежлар тугатилгач, ишсиз қолди. Натижада у ҳам «Аёллар дафтари»га киритилди. Банкдан кредит олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Мавсумга, фаслга қараб футболкалар, ҳар хил хотин-қизлар либосларини тикадиган аёл ўзи каби яна уч кишини ишли

қилди. Шериклари тикиб бераверади, Зебо эса уларни бозорларга тарқатиш билан банд.

«Аёллар дафтари»га кирган Дилноза Файзиева билан Шохида опа суҳбатлашар экан, унинг ҳаддан ташқари маъносилиги эътиборини тортди. Сабабини сўради. Маълум бўлишча, фарзандларидан бирининг кўзида нуқсон бўлиб, жарроҳлик амалиётига анчагина пул керак экан. Давлат томонидан 5 миллион 600 минг сўм маблағ ажратилиб, қизчанинг кўзлари операция қилинди. Бугун унинг тийрак нигоҳларида бахт ва қувонч учқунлари порлайди. Кўкламда бу оилага 12 қўти помидор, бақлажон кўчатлари берилган эди. Меҳнатсевар, миришкор аёл фарзандлари билан уларни экиб, парваришлаб, бугун бозорга чиқараётди.

Нилуфар Болтаеванинг ўзи ва фарзанди ноғирон. Шохида опа бу оиладан ҳам тез-тез хабар олиб туради. Ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам пулларини олиб келиб беради.

Хуллас, опанинг ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги сабаб «Месит» маҳалласида ишсиз хотин-қиз қолмади ҳисоб. Кўпчилиги «Бунёдкортекстиль» ва «Бахт текстиль» корхоналарига ишга жойлашди. Яъники, ҳудуддаги мономарказда маҳалла аёллари доимий равишда касб-хунар ўрганишади, ишга йўналтирилади.

Жонажон диёримизда ишлаган, фидоилик кўрсатган инсонлар муносиб қадр топади. Яқинда Шохида Умураванинг жонбозлик ила қилаётган меҳнатлари эътироф этилди. У «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танловининг Косон тумани босқичида голиб деб топилди. Ишонамиз, опанинг яхшилик ва эзгуликка йўғрилган ишлари бардавом бўлаверади...

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Фаолият

БАЙРАМ ШУКУҲИ



Акмал УМАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Форум

Хоразм
вилояти

Ўзги соғломлаштириш

Болалар қувончи – муҳим

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши тасарруфида 84 та бошланғич ташкилот бор. Уларнинг қиринчасида жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар орқали 8858 нафардан зиёд касабаси уюшма аъзосининг манфаатлари қамраб олинган. Бугунги кунда ижтимоий шериклик асосида ходимлар манфаатлари ҳимоя қилиб келинмоқда.

Жамоа шартномаларида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалалари ҳам кенг акс этган. Шу асосда бу йил 200 нафар касабаси уюшма аъзосининг фарзандлари асосан вилоятдаги «Алпоммиш», «Шунқор», «Жайхун куёши» ва «Шодлик» оромгоҳларида дам олдирилди. Бу даврда ота-оналар ўғил-қизлари ҳолидан хабар олиб, яратилган шарт-шароитлар билан танишиб боришди. Улар барча оромгоҳларда ёш авлод вакиллари билан мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятлари юқорилигини эътироф этишди.

Дарҳақиқат, оромгоҳларда ҳар кун маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари уюштирилмоқда. Биз ҳам турли танловлар ташкил қилиб, фаол иштирокчиларни рағбатлантиряпмиз. Кутубхона, турли тўғарақлар фаолияти ота-оналар ва болажонларнинг қувончига сабаб бўлмоқда.

Сафарғул БЕРДИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

Қутлов

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Мамлакатимиздаги барча ишбилармонларни 20 АВГУСТ – ТАДБИРКОРЛАР КУНИ билан самимий муборакбод этади!

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», деган даъваткор сўзлари замирида Сизларнинг серқирра фаолиятингиз намоён бўлади. Бугун халқимиз Сизларни Янги Ўзбекистонимизнинг иқтисодий етуклиги янада ривожлантириши ва барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг таянчи сифатида билади ва қадрлайди.

Азиз ишбилармонлар, азми қатъий тадбиркорлар,
Янги Ўзбекистон бунёдкорлари, байрамингиз муборак бўлсин!
Мамлакатимиз иқтисодий равнақи, элимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингиз,
хайрли ташаббусларингизда омад ҳамиша ёр бўлсин!

МУАССИС:



ISSN 2010-5008
2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» va
«Ishonch-Доверие»
газеталари
таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АХМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари).

Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
тўлиқ матни
билан танишишингиз
мумкин.

Ҳудудлардаги
муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан
фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиш:
Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 01:40
Топширилди – 01:50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г-806
31553 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,
пайшанба ва шанба
кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

“NANO AGRO GREEN” масъулияти чекланган жамияти

юқори сифатли ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш имконини тақдим
этади. Шунингдек, маҳсулотлар сақланиши даврида йўқотишларни ҳам камайтиради.

2008 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “NANO AGRO GREEN” масъулияти чекланган
жамияти ҳозирги кунда 500 дан ортиқ ҳамкорларга эга. Шулардан “ZIYODA LAZIZA FAYZ” МЧЖ
маҳсулотларни ўз эгаларига етказишда фаол ҳамкорларидан бири. “NANO AGRO GREEN” МЧЖ
30 хилдан ортиқ минерал ўғитларни ишлаб чиқариш билан бирга савдосини ҳам йўлга қўйган.

“NANO AGRO GREEN” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ҚУЙИДАГИ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ:

Удобрение магний нитрат
“AGRO GREEN”



Удобрение минеральное
калий сульфат
“AGRO GREEN”



Удобрение калий
нитрат-полвон
“AGRO GREEN”



Удобрение минеральное
“Удар - AGRO GREEN”



Удобрение калий
монофосфат
“AGRO GREEN”



Удобрение минеральное
“Кристаллон - AGRO GREEN”

Удобрение минеральное
“Кальцинит - AGRO GREEN”

Удобрение минеральное
“AGRO GREEN N.P.K.”
марки А



Удобрение минеральное
“Агростимулятор -
AGRO GREEN”



Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, “Ўнқўрғон” ҚФЙ, “Обод” маҳалласи. Телефон: +99870 202-62-22, +99897 704-97-04.

Маҳсулотлар сертификатланган.
Хизматлар лизенцияланган

МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:

• Ўғитлар таркибида микроэлементлар бошқа
ўғитларга нисбатан кўпроқ;

• Ўсимликларнинг ташқи салбий таъсирларга
(иссиқ, совуқ, қургўқчилик) чидамлилигини
оширади;

• Ҳосил етилиш давомийлигини таъминлайди;

• Мева ва сабзавотлар майдалашиб, буришиб
қолишига йўл қўймайди;

• Ҳосил йиғиб олингандан кейин уни узоқ пайт
яхши ҳолатда сақланишини таъминлайди



Реклама

Эълонлар